

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
БУЙРУҒИ**72 Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2170-2

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг му-рожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги 308-мқ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2170, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 503-модда) билан тасдиқланган Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидаларининг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги ва «Архив иши тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2090, 2010 йил 30 март) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш, нотариал ҳужжатларни сақлаш муддатлари ва тартибини белгилайди.»

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Д. Ибрагимова) мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами — Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

72-73-моддалар

— 58 —

6 (662)-сон

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Икрамов зиммасига юклансин.

**Вазирнинг
биринчи ўринбосари**

М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 9 февраль,
45-мҳ-сон